O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 19 март, шанба • №22-23 (11.721-2) • Эркин нархда сотилади

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-17 март кунлари расмий ташриф билан Словения Республикасида бўлди.**

Ташриф учрашувларга бой бўлди. Президент Ислом Каримов Словения Президенти Янез Дрновшек, Бош вазир Янез Янша, Миллий кенгаш раиси Янез Сушник, Давлат йиғини раиси Франце Цукьяти, ташқи ишлар вазири, ЕХҲТнинг амалдаги раиси Димитрий Рупель ва Любляна шаҳри мэри Даница Симшич хоним билан музокаралар ўтказди.

Ислом Каримовнинг Словения учрашувлари тафсилотлари, аввало, икки томонлама муносабатлар ривожи билан боғлиқдир. Словения раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакат ЕХҲТга раҳбарлик қилар экан, бунинг воситаси билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, ташкилотнинг Марказий Осиёга диққат-эътиборини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Словенияга Европа қитъасидаги, Европа Иттифоқи ва НАТОдаги яқин ҳамкор сифатида қарайди. Европага кириб боришда бу мамлакат билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Любляна учрашувлари алоқаларни фаоллаштириш борасидаги ҳамфикрлик, халқаро муаммоларга қарашлар яқинлигидан ташқари яна бир муҳим жиҳатни ўзида мужассам этади. Ўзбекистон Президенти қаерга бормасин, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Демак, Ўзбекистон Словенияда бу тариқа ҳам из қолдирди. Ислом Каримов билан музокара ўтказган Словения раҳбарларининг деярли барчаси мустақиллик учун курашнинг муҳим босқичларида турган. Президент Янез Дрновшек мамлакатнинг Югославиядан тинч ажралиб чиқиши билан боғлиқ музокараларда маҳорат кўрсатган. Бош вазир Янез Янша марказий ҳукумат тазйиқига учраган. Парламентнинг қуйи ва юқори палаталари раҳбарлари ҳам ҳуррият йўлидаги фидойилиги боис бугун халқ ишонган кишилардир. Уларнинг Ўзбекистон раҳбарига самимий ҳурмат-эҳтироми замирида мустақиллигимизнинг асосчисига эътибор ҳам мужассам, албатта.

Словениянинг нуфуси 2 миллиондан сал кўп. Иқтисодий тараққиёт бобида у илгаридан қўшнилари орасида етакчилик қилиб келган. Югославия таркибида бўлган вақтлари бутун федератив мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 20 фоиздан зиёди унинг ҳиссасига тўғри келган. Ҳозир ҳам бу борада олдинда. Марказий ва Шарқий Европа дав-

(Давоми 2-бетда).

## БУГУН — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

**Аҳил-иноқлик, меҳр-мурувватлилик, ночору муҳтожларга оқибат кўрсатиш ўзбекларга хос азалий ва абадий хислатлардир. Халқимизнинг ушбу одамийлик фазилатлари тўй-ҳашамларда, байраму ҳашарларда, айниқса, яққол намоён бўлади.**

Мустақиллик шарофати билан қайта тикланган, янгича анъаналар билан бойиган миллий удумларимиз миллатлар ҳамжиҳатлиги ва тотувлигининг, турмуш фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Наврўз умумхалқ байрами арафасида ўтказилаётган хайрия ҳашари юртдошларимизнинг энг севимли анъанаарига айланиб, унда ҳар йили барча миллат вакиллари зўр иштиёқ ва фаоллик билан иштирок этмоқдалар.

Наврўз байрамига атаб бугун — 19 март куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида вилоят бўйича жами 1 миллион 122 минг 500 кишининг иштирок этиши кутилмоқда. Махсус тузилган тадбирлар дастурига мувофиқ ҳашарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари жамоалари фаол қатнашадилар. Ҳашар давомида асосий эътибор ҳудудларни тозалаб, озода ва саранжом-саришта қилиш, маҳалла, гузар, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилади.

Белгиланган тадбирларга

(Давоми 2-бетда).



## РИЗҚ-РЎЗ УНАР ФАСЛ БУ

**Бутун республикада бўлганидек, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Наврўз байрами тантаналарини юксак савия ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун тайёргарлик кўриш ишлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Ҳокимликларда тузилган ташкилий қўмита аъзолари иштирокида байрам тадбирлари дастурлари ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларга ижро учун етказилган.**

Вилоятдаги ҳар бир қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинларида ҳам Наврўз байрамини оммавий нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш аввалдан тузилган аниқ дастурлар асосида олиб борилди. Ҳокимликлар томонидан қўрғон ва қишлоқ фуқаролар йиғинига бириктирилган масъул ходимлар бу ишларга бош-қош бўлиб, амалий ёрдам кўрсатдилар.

Бўстонлиқ туманида бу йилги «Наврўз» тантаналарини маданият ишлари бўлими томонидан тайёрланган махсус сценарий асосида ўтказиш режаланган. Асосий байрам тадбирлари туман ҳокимияти ёнидаги кенг майдонда, унга туташ кўчалар ҳамда Ғазалкент шаҳар «Ёшлар маркази»да халқ сайли тарзида давом этади.

Майдон ва ён-атрофдаги кўчаларда барча қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларидаги ширкат хўжаликлари билан ҳамкорликда «Қишлоқ гузарлари»ни ташкил этади, байрам дастурхонларини тузайди. Шу билан бир вақтда улар ўртасида «Наврўз таомлари» кўрик-танлови ўтказилади.

Туман матлубот жамияти ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан байрам кунлари турли хил деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз савдо қиладиган ярмаркалар ташкил этилади. Шунингдек, туманнинг барча корхона ва ташкилотлари ҳамда хусусий тадбиркорлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ярмарка-савдосини уюштирадилар.

(Давоми 2-бетда).

TOSHKENT HAQIQATI № 22-23 [11.721-2] 19[3]2005

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

латлари унга анчайин ҳавас қилиши сир эмас.

Словения ўтган йили Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилди. 2007 йилда ягона Европа валютасига ўтишни режалаштирмоқда.

Мамлакатда ҳукумат, марказий банк ва хусусий бизнес ўртасидаги мувофиқлик қарор топган. Солиқ ставкаси Европа мамлакатлари орасида энг кам - 25 фоиз.

Словенияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 28 миллиард, ташқи савдо ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ошади. Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60 фоиздан зиёд. Бу эса тараққиёт даражаси тўғрисидаги ижобий кўрсаткичдир.

Ушбу мамлакат ўзининг гўзал табиати ва бой тарихий мероси билан ҳам эътибор қозонган. Бу ерга йилига миллионлаб сайёҳ келади. Бунинг учун ривожланган инфратузилма ва малакали кадрлар мавжуд.

Словения ижтимоий соҳада ҳам катта ютуқларни қўлга киритган. Кадрларнинг билим ва малакаси бўйича Марказий Европада олдинги ўринда туради. Олимлар ва илмий-тадқиқот институтлари миқдори бўйича ривожланган Европа давлатларидан қолишмайди.

Словениянинг биз учун яна бир аҳамиятли жиҳати – унинг Ғарбий Европа билан Шарқий ҳамда Жанубий Европа ўртасидаги йўллар чорраҳасида жойлашганидир. Мамлакат ҳудуди узвий автомобил ва темир йўллари билан қопланган, 16 аэропортга эга. Изола, Копер ва Пиран каби бандаргоҳлари бор.

Қалам аҳли Словенияни «Болқон Швейцарияси» деб атайди. Алп тоғларининг жанубий этагига туташган бу мамлакатнинг соҳилларини Адриатика денгизи ювиб туради. Эътиборга молик томони шуки, Словения Югославиядан тез ва тинч ажралиб чиқди. Ўз салоҳиятини, Ғарб мамлакатлари билан алоқаларини сақлаб қолди.

Президент Янез Дрновшек Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим давлати эканлигини, кенг маънодаги барқарорликни таъминлашда алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Словения раҳбари ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини қайд этаркан, бунда ЕИ ва НАТОнинг ҳам қизиқишлари мужассам эканлигини таъкидлади. Катта иқтисодий салоҳиятга, малакали кадрларга, бой табиий захираларга эга Ўзбекистон билан яқин муносабат биз учун жуда муҳим, деди Словения раҳбари. Хорижий сармоядорлар муваффақиятли фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилган, қўшма корхоналар очиш учун керакли ҳуқуқий асос ишлаб чиқилган.

Бош вазир Янез Янши эса ушбу ташриф муносабатларни ривожлантиришдаги ғоят муҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Парламент раҳбарияти билан учрашувларда сенатор ва депутатларнинг борди-келдисини ривожлантириш баробарида қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

Икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга ва улар ташрифнинг ҳақиқатан ҳам залворли қадам бўлганини тасдиқлайди. Халқаро йўловчи ва юк ташиш ҳақидаги битим товарлар ва хизматлар алмашувини фаоллаштиришга қаратилган. Банклараро меморандум ишбилармонларнинг молиявий операцияларини енгиллаштиради. Савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳужжат савдо ҳамда бизнес алоқаларини яхшилайди. Суғурта компаниялари эса бу алоқаларда ўзаро ишонч мустаҳкам бўлиши ва сармоялар самарадорлигини кафолатлаш учун ҳамкорлик ҳужжатини қабул қилди. «Ўзбектуризм» билан Словениянинг «Рене Тур» ва «Компас» сайёҳлик агентликлари ўзаро ҳамкорлик борасида келишиб олди. Шу тариқа Ислом Каримовнинг ташрифи асносида ҳамкорликнинг янги саҳифалари очилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Люблянада «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» мавзуида бизнес-форум ўтказилиб, Словения ишбилармон доиралари мамлакатимизнинг имкониятлари билан таништирилди. Анжуман бошқа яна кўплаб учрашувлар билан давом этгани алоқаларда янги қирралар вужудга келаётганидан, янги уфқлар очилаётганидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов ташриф якунларидан мамнуният билдирар экан, сафар моҳиятини қисқа ва лўнда изоҳлади. Бу, аввало, ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари ва йўналишларини белгилаб олиш ҳамда бу борадаги ишларни бажариш механизмини яратишдан иборат. Бирламчи вазифа муваффақият билан уддаланди. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Словения раҳбарлари истиқболда икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битим тузишга ҳам келишиб олганини маълум қилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар тузиши мумкинлигини қайд этди. Словенияда электроника, ёғочни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, тери маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати яхши ривожланган. Мамлакат чорвадорлик, ғаллакорлик, боғдорчилик ва узумчилиги билан яхши танилган. Бу соҳалар бизда ҳам кенг ривожланган. Словения Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати, нефть кимёси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва кўплаб бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Президентлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадошлигини, Афғонистон билан темир йўл алоқасига эга ягона давлат эканлигини, Словения ҳарбийлари бу мамлакатда хизмат қилаётгани ва халқаро миқёсдаги тикланиш ишларини назарда тутиб, мазкур йўналишда ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятларини кўриб чиқдилар.

Хуллас, олий даражадаги илк мулоқот истиқболда ғоят самарали лойиҳалардан дарак бермоқда. Дунёда рақобат шиддат билан ривожланаётган, бозорларда эгалланмаган жой қолмаётган, сиёсий ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатлик тобора долзарблашаётган бугунги кунда Ўзбекистон-Словения ҳамкорлиги янги поғонага қадам қўймоқда. Президентлар айтганидек, аввал - расмий келишувлар бўлди, кейин - бевосита мулоқотларга кенг йўл очилди. Энди ҳеч ким ҳалал беришга қурби етмайдиган ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик даври бошланганига шубҳа йўқ.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Любляна-Тошкент.**

қараганда умумхалқ ҳашари, айниқса, Ангрен шаҳри, Бекобод, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида оммавий тус олади. Ушбу ҳудудларнинг ҳар бирида 72 мингдан 78 минггача маҳаллий аҳоли иштирок этади. Юқоричирчиқ, Тошкент, Қибрай ва Оҳангарон туманларида ободонлаштириш ишларига зўр берилиб, 90-118 гектар майдон тозаланиб, тартибга келтирилади.

Қишлоқ туманларида аҳолининг асосий қисми ариқ ва зовурларни тозалашга сафарбар этилади. Жумладан, Қибрай туманида 54, Зангиота туманида 53, Юқоричирчиқ туманида 50 километр узунликдаги суғориш шахобчаларини тозалаш режалаштирилган.

Табиийки, ҳар йили Наврўз айёмида боғу хиёбонларга, кўча ва йўл ёқаларига турли хил мевали дарахт ҳамда тур-

(Давоми. Боши 1-бетда).

# БУГУН – УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

фа нав гул кўчатлари экилади. Бу борада Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Паркент, Қибрай, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида белгиланган тадбирлар, айниқса, ибратлидир.

2005 йил март ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирлар дастурига мувофиқ вилоят бўйича жами 80 минг туп мевали дарахт ҳамда қарийб 98 минг туп гул кўчатлари экиш мўлжалланган. Ушбу хайрли вазифанинг асосий қисми бугун — умумхалқ ҳашари доирамида амалга оширилади.

Бугун вилоятнинг барча корхона, ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари жамоалари иш ўринларида, одатдагидек, ўз хизмат вазифаларини адо этадилар ва бир кунлик иш ҳақлари миқдоридаги маблағни ихтиёрий равишда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказадилар.

Азиз вилоятдошлар, умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этиб, юртимизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшайлик!

# РИЗҚ-РЎЗ УНАР ФАСЛ БУ

Байрам тантаналари, халқ сайллари шоду ҳуррамлик билан ўтишини таъминлаш мақсадида катта байрам концерт дастури ҳамда оммавий спорт ўйинлари режалаштирилган. Жумладан, марказий ўйингоҳда футбол бўйича туман биринчилиги ўтказилади. Оммавий спорт турлари бўйича мусобақа ғолиблари учун 500 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар тайёрланган.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Наврўз бай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

рами кунлари барча корхона, ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари ўзларида ишлаб, пенсияга чиққан меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар учун байрам дастурхонини тузаб, совға-саломлар улашади. Беморлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар хонадонларига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олинади ва байрам совғалари билан йўқланади.

Наврўз байрами вилоятнинг, беистисно, барча шаҳар ва туманларида шу тарзда уюшқоқлик билан оммавий нишонланиб, маҳалла ва гузарларни, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *туманнинг «Наврўз» маҳалласидаги Пирмановлар хонадонида ҳар йили фаол аёллар жамулжам бўлишиб, сумалак тайёрлашни одат қилишган.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

**22-24 март кунлари Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида халқаро «Озиқ-овқат саноати» кўргазмаси бўлиб ўтади.**

Шу муносабат билан «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Кўргазмани ITE Group PLc халқаро кўргазма компанияси ҳамда ITE Uzbekistan компанияси ҳамкорликда ташкил этмоқда. Унда Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, «Озиқ-овқатсаноат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамкор ташкилот сифатида иштирок этади.




Конференцияда таъкидланишича, бу йилги кўргазма озиқ-овқат, ичимликлар, тармоқ асбоб-ускуналари, қадоқлаш технологиялари, қаҳвахона, ресторан ва меҳмонхоналар, музлатгич ва савдо хизмати ускуналари, қишлоқ хўжалиги ҳамда тамаки саноати йўналишларида ўтказилади. Германия, Буюк Британия, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина, Чехия, Швейцария, Польша, Туркия ҳамда Ўзбекистондан 50 га яқин компания иштирок этиши кўзда тутилган. Вилоятимиздан эса «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акциядорлик корхонаси ҳамда «Тўхтаниёз-ота» фермер хўжалиги вакиллари қатнашади.

**Ҳуррият НАЗАРОВА.**

● Тўёна

# ҲОРМАНГ, БУНЁДКОРЛАР!

**Бугун қайси қишлоқ ёки шаҳарга, қайси маҳаллага борманг, қайси идора раҳбарига мурожаат қилманг, Наврўзи оламни қандай тайёргарлик билан кутиб олишаётгани ҳақида гап бошлайди.**

Бу табиий ҳол, албатта. Бугун Тошкентдан чиқиб, вилоятимизнинг тўрт томонига тармоқланиб кетган равон йўлларнинг қайси бирига бурилманг, ҳар қадамда янги маданий-маиший хизмат бинолари, дўконлар, гузарлар битказилиб, ишга туширилаётганлигининг устидан чиқамиз.

Қуйичирчиқ туманининг Беруний номли ва «Юлдуз» ширкат хўжаликларида 46- ва 2-мактабларнинг ўқувчилари шу муборак байрам арафасида ажойиб совға олишди. Бу мактабларнинг бинолари мутлақо янгидан таъмирланиб, замонавий таълим-тарбия воситалари билан жиҳозланди.

«ЧорвоқГЭСқурилиш» пудратчи ташкилоти Ғалавасойда 21-мактаб биносини таъмирлаб, фойдаланишга топширди. Энди ўқувчилар тўртинчи чоракни кенг ва ёруғ хоналарда бошлашади.

Шу Наврўз кунлари Чинозда яна бир 200 ўринли янги таълим маскани болаларга ўз эшикларини очади. Унда махсус коллеж ўқувчилари билим оладилар.

Вилоятимизда уй-жой қурилиши ҳам кенгаймоқда. Байрам кунлари 58 минг квадрат метр саҳнли янги уй-жойларда ўтказиладиган ҳовли тўйлари Наврўз тантаналарига уланиб кетади.

Чекка қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш дастурлари изчил амалга оширилмоқда. Наврўз байрамигача бўлган қисқа муддатда қурувчилар 55,5 километрли табиий газ, 12 километрли ичимлик суви қувурларини монтаж қилиб улгуришди.

Вилоятда янги-янги замонавий алоқа тизимларини барпо этиш ҳам қизғин давом этмоқда. Паркент туманининг Қизилтоғ шаҳарчаси ва Намданак қишлоғи аҳолиси эндиликда телефон алоқасида танглик сезмайди. Байрам кунлари бу ерда 2500 рақамли алоқа қурилмаси ишга туширилмоқда.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

● Анжуман

## ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Таълим жараёни оммавий ахборот воситалари нигоҳида» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.**

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури янги ўқув муассасаларини барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, мактабларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш каби бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Шу мақсадни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 1 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратилиб, юртимиз ёшларининг таълим олишларига катта шароитлар яратиш ишлари бошлаб юборилди. Ўтган йилнинг ўзида бир қатор янги мактаблар бунёд этилди, эскилари капитал таъмирланди.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёни оммавий ахборот воситаларида холис ва ҳаққоний ёритилишини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳузурида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда шу соҳага ихтисослашган журналистлар ижодий кенгаши ташкил этилди. Матбуот ходимлари малакасини ошириш, уларни зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш ҳамда учрашувлар ўтказиш ушбу кенгашнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

**Камолиддин АСҚАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ДОЛЗАРБ МУАММОГА БАҒИШЛАНДИ

**Саноат ва маиший чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва йўқ қилиш ҳозирги кунда энг долзарб ва мураккаб экологик муаммоларнинг бири бўлиб қолди.**

Шу муносабат билан «Саноат ва маиший чиқиндилар ҳамда аҳоли саломатлиги» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган эди. Бу ишларни мувофиқлаштиришга даъват этилган «Экосан» ташкилоти халқаро конференция ўтказди. Унда республикамиз вазирликлари ва идоралари, саноат корхоналари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Анжуманда дастур доирасида республика ва вилоятлар миқёсида бажариладиган тадбирлар, уларни молиялаштириш манбалари, шунингдек, ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

## УЙҒОНИШ ДАВРИ ВАСФИ

**Юртимиз узра баҳор нафаси уфираётан айни кунларда уйғониш, янгиланиш ва яшариш айёми бўлган Наврўз байрами ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Ҳозирда мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқлари улуғ айём – Наврўз шукуҳи билан яшамоқда, десам муболаға бўлмайди.**

Наврўз нафақат боғу-роғлар, дала ва қирлар балки жамики жонзодлар учун ҳам уйғониш давридир. У дилларимизга шоир айтганидек баҳорий илиқлик бахшида этиб кириб келмоқда. Юртимизда аллақачон байрамга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Жойларда Наврўзга бағишланган турли байрам тадбирлари ва кўргазмалар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар марказий музейида иш бошлаган «Ассалом Наврўз» бадиий кўргазмаси ҳам шулар жумласидандир. Кўргазмада Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги ижодий уюшма аъзоси, таниқли рассом Содиқ Раҳмоновнинг 25 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

Рассом ўз асарларида халқимизнинг азалий қадриятлари мужассамлаштирилган Наврўз композицияси ва карнай-сурнай садолари остидаги сайл, дошқозонларда қайнаётган сумалак, табиат уйғониши каби мавзуларни қамраб олган.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**




## САЛОБАТИГА ЯРАША ҚУЛАЙЛИКЛАРИ КЎП

Вилоятда ҳар йили Мустақиллик, Наврўз ва бошқа байрамларга атаб янги маданий-маиший иншоотларни қуриб, фойдаланишга топшириш анъанага айланган. Бу йил ҳам Наврўз байрами арафасида бир қатор ана шундай иншоотлар хизмат қила бошлади. Тошкент тумани Келес шаҳрида очилган янги тўйхона шулар жумласидандир.

Хусусий тадбиркор Раҳматилла Расулов томонидан бунёд этилган тўйхона 570 кишига мўлжалланган бўлиб, қишки ва ёзги заллардан иборатдир.

Шунингдек, бу ерда новвойхона, қандолатчилик ва тикувчилик цехи, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳам иш бошлади. Натижада қирқ нафар туман ёшлари иш билан таъминланди.

***СУРАТДА:** янги тўйхона биноси.*

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

## БИЗ ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙМИЗ

**Чирчиқ шаҳрида хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани туфайли кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар қаторида хотин-қизлар ҳам оз эмас.**

Бугунги кунда шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмасида кўплаб ишбилармон хотин-қизлар рўйхатдан ўтган. 2004 йилнинг ўзида 145 нафар аёл ўз фаолиятини бошлади. Вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган бизнес-семинарлар, маълумот ва маслаҳат соатлари, компьютер сабоқлари уларнинг оёққа туришлари, соҳада ўз ўринларини топишларига ёрдам бермоқда. Зардўзлик, миллий каштачилик, келинлик либослари, мўйнали бош кийимлар, пардалар тикиш, турли хил ширинлик ва пишириқлар тайёрлаш билан фаол шуғулланмоқдалар.

Ўзим эса маълумотим бўйича ҳамшира бўлиб, «Дилчеҳра» хусусий фирмасининг ташкилотчиси ва раҳбариман.

Ҳозирги кунда фирма шаҳарнинг 1-кичик туманида фаолият юритаяпти. Унда кардиология, терапевт, тери, асаб, аёллар касалликлари шифокорлари ишлашмоқда. 12 нафар олий тоифали шифокор, ҳамшира ва ходимлар аҳолига замон талаби даражасида тиббий хизмат кўрсатишяпти.

2002 йили шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмасига раис этиб тайинланганман. Иш фаолиятимда тадбиркорликни йўлга қўйишга жазм этган турли ёшдаги, турли касбдаги хотин-қизлар билан учрашаман, керак бўлса, ёрдам бераман, қўллаб-қувватлашга имкон топаман. Чунки, тадбиркор бўлган аёл кам бўлмайди. Ўзига ҳам, давлатига ҳам, оиласига ҳам нафи тегади. Улар меҳр-мурувват кўрсатишга доим тайёр. Шаҳар Марказий шифохонасига 100 минг сўмлик миқдордаги моддий ёрдам кўрсатдик. 28-Қуёш маҳалласига ёзув машинкаси бердик, мактаблардаги кам таъминланган ўнлаб оила фарзандларига совғалар улашдик.

Хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик тузилмалари бундай савобли тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Бу йилги Наврўз арафасида хайрли ишлар янада кенгайди. Барча ишбилармон аёлларимиз маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Байрам тантаналарини уюштириш тўкин дастурхон тузаш ва бошқа хайрия ишларига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

**Ражаббуви ИМОМБЕРДИЕВА,**
**«Дилчеҳра» хусусий фирмаси раҳбари.**

# БАҲОРНИНГ ХИСЛАТИ — ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ



**Ҳар фаслнинг ўз хислати бор дейишлари бежиз эмас. Айниқса, баҳорнинг таъриф-тавсифи ўзгача. Фасллар келинчаги дейилишининг ўзида бир олам маъно бор. У бутун борлиқни ясан-тусан кийинтириб, оро беради, турли рангларда товлантириб, кўзларни қувонтиради. Табиатни янгилаб, яшартириб, яшнатади. Одамлар кўнглига эзгу ният, орзу-умид уруғларини сочиб, далаю боғларга чорлайди, экинтикин ишларига рағбат уйғотади.**



Шу боис ҳар баҳор пахтакору ғаллакор, боғбону соҳибкор ўз ризқини ўзи яратиш мақсадида енг шимариб ишга киришади. Одатда, янги боғу токзорлар, гулзору хиёбонлар барпо этиш ҳаракати ҳам айнан кўкламда бошланади.

Мана энди Мустақиллик шарофати билан ҳар йили Наврўз байрамини нишонлаш арафасида юртни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ниятида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари ҳам ўз исмига мос хайрли анъанага айланди. Шу куни миллионлаб ҳамюртларимиз далаю боғларга, кўчаю йўл бўйларига чиқиб, кўплаб мевали ва манзарали дарахт, турфа нав гул кўчатлари экишади. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли мева-кўчатчилик хўжаликлари ана шу умумхалқ саъй-ҳаракатининг бош таъминотчисига айланади.

Хусусан, институтнинг барча вилоятларга кенг ёйилган тизимларида бу йил буюртмачиларга жами 4,5 миллион туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда турли хил гул кўчатлари етказиб бериш режалаштирилган бўлиб, уни амалга оширишга аллақачон киришилган. Жумладан, Тошкент вилояти шаҳар-туманларида бу мавсум жами 350 минг туп дарахт ва гул кўчатлари экиш мўлжалланган.

— Ҳозир дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган 300 хилдан зиёд гул кўчатлари етиштирилмоқда, — дейди гулчилик бригадаси бошлиғи Раҳматилла Каримов. — Голландиядан келтирилган «Гербера» ҳамда Юнонистоннинг оқ ва қизил рангли «Пуансетия» нав гуллари, айниқса, харидоргир.

*СУРАТЛАРДА: мевали дарахт кўчатларини буюртмачиларга жўнатиш учун тайёрлаш пайти; гулчилик бригадаси бошлиғи Раҳматилла Каримов (ўнгда) «Гербера» гулларини кўздан кечирмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

● *Нафис мажлислар*

## ДИЛДАН КЕЧГАН СУҲБАТ

**Қибрай туманида ҳар йили Наврўз байрами тадориги пайтида қатор кўнгилочар тадбирлар, адабий-бадиий кечалар ўтказиш одатга айланган.**

Бу сафар туман хотин-қизлар қўмитаси шафелигида Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғини фаол аёллари саъй-ҳаракати билан туман ҳокимлигининг катта мажлислар залида таниқли шоира Турсуной Содиқова билан учрашув ташкил этилди. Дилдан кечган суҳбат давомида самимийлик уфуриб турганлиги боис, шу куни қибрайлик хотин-қизлар шоиранинг маънавий-маърифий, ахлоқий ҳамда пок инсоний фазилатлар мавзуларидаги чиқишларини олқишлар билан кутиб олдилар.

Мухлислар шоиранинг туманга ташриф буюриши ўзлари учун чинакам Наврўз совғаси бўлганлигини таъкидладилар.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## КЎЧАТ ЕТИШТИРИБ, БОҒ ЯРАТИБ

**Кўкламнинг илк юмушларидан бири — жойларда бошланган кўчат ўтқазиш мавсуми шу кунларда қизғин давом этмоқда. Мавсумнинг муваффақиятли ўтишида жумладан, Оҳангарон ўрмон хўжалиги жамоасининг ҳам хизматлари каттадир.**

— Хўжалигимизда 30 дан зиёд турдаги мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, 15 турдаги бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари етиштирилади, — дейди хўжалик раҳбари Ғайрат Муҳамедов. — Ҳар йили мижозларга 54 миллион сўмликдан зиёд кўчат сотилади. Саноат учун зарур ёғочбоп дарахтлар, жумладан, теракни кўпайтиришга катта аҳамият бераяпмиз.



Хўжалик тасарруфида 183 минг 468 гектар майдон бор. Уларнинг асосийси Паркент, Пскент, Олмалиқ, Оҳангарон ва Ангрендаги тоғли ерларда жойлашган. Бугунги кунда тоғ ҳавосига мос дарахт ва наъматак ниҳоллари ўтқазилмоқда. Улар тоғ ва адирларга кўрк бағишлабгина қолмай, табиий кўчкиларнинг олдини олади.

Хўжалик қошида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш цехида маҳаллий хом ашёдан ёзги ҳовлига мос ихчам диван-креслолар, гул ва мевалар учун саватчалар тайёрланмоқда.

Хўжалик ихтиёридаги овчилар жамияти табиат, ҳайвонот олами ва қушларни асраш, қиш ойларида уларни боқиш билан шуғулланмоқда.

**Мунира ИСОҚУЛОВА.**

## КЎКЛАМ ТАОМЛАРИ ТОРТИЛДИ

**Муборак Наврўз айёмини Ангрен шаҳридаги Грум маҳалласи аҳли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни авж олдирган ҳолда кутиб олишяпти. Маҳалла этагидаги сой қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги қатор корхоналар билан ҳамкорликда катта ишларни амалга оширди. Шунингдек, кўчаларга шағал ётқизилди. Маҳалла аҳли ҳашарда фаол иштирок этди.**

— Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида, — дейди маҳалла оқсоқоли Холхўжа Юнусов, — барча ариқ-зовурлар тозаланиб, чиқиндилар, хазонлар ташиб чиқарилди.

Шуниси диққатга сазоворки, экилган мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатларининг аксарияти хонадонларда етиштирилган. Маҳалламизда эрта-индин «Намунали кўча», «Намунали хонадон» кўрик-танлови ғолиблари аниқланади.

Наврўз арафасида сумалак сайли ўтказилди. Дастурхонга турли баҳорий таомлар тортилди. Маҳалладаги фольклор дастаси лапар, қўшиқ ва рақслари билан хизматда бўлди.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

## ИЮНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

**«Экосан» халқаро ташкилоти вилоят бўлими баҳор байрами арафасида ва ундан кейин ҳам қатор ибратли ишларни амалга оширишни режалаган.**

Ҳар йилгидек, вилоят аҳолисига қулай шарт-шароитларни яратиш, санитария-гигиена нормаларига риоя қилиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби халқ анъаналарини янада бойитиш мақсадида «Экология ва саломатлик кунлари» доирасидаги бир неча босқичли тадбирларнинг дастлабкисини ўтказишни бошлаб юбордик. Ушбу тадбир март ойида бошланган бўлиб, то июнь ойига қадар давом этади.

2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу тадбирлар алоҳида ижтимоий аҳамиятга моликдир. Шу давр мобайнида «Ишлаб чиқариш, маиший чиқиндилар ва аҳоли саломатлиги» мавзуидаги халқаро, «Инсон саломатлиги ва экологияга оид фалсафий саволлар» мавзусидаги илмий-амалий конференциялар ўтказилади. 22 март Жаҳон обиҳаёт куни эканлиги муносабати билан халқаро учрашувни ташкил этиш режалаштирилган. «Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» кўрик-танлови бошлаб юборилди. Бундан ташқари, кимё саноати, кон-металлургия корхоналарида атмосфера ҳавоси муҳофазасини яхшилашга қаратилган ишлар давом эттирилади. «Аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муаммоларини ечишда жамоатчиликнинг ўрни», «Экология ва саломатлик», «Аёл ва экология», «Соғлом турмуш тарзи ҳақида», «Ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни» мавзуларидаги анъанавий учрашувлар фуқароларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Экология ва саломатлик кунлари»ни ташкил этиш ва ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатганларни тақдирлаш ҳам назарда тутилган. «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови» шиори остида ўтказилаётган экологик ҳашарлар ҳам давом эттирилади. Улардан тушадиган маблағлар вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ва тиббиёт муассасаларини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

**Собиржон АБДУЛЛАЕВ, «Экосан» халқаро ташкилоти вилоят бўлими бош мутахассиси.**


«RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI
TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI» МЧЖ
RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI
юртдошларни Наврўз байрами билан табриклайди!
Наврўз шарофати билан уйғонган баҳорий хуш кайфият,
эзгу орзу-тилаклар йил бўйи сизларни тарк этмасин.
Наврўз халқимизнинг бағрикенглик, сахийлик,
меҳр-мурувватлилик каби гўзал фазилатларини намоён этсин.


Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
халқимизнинг азалий ва боқий байрами
Наврўз айёми
билан бутун вилоятимиз аҳлини қутлайди!
Наврўз яшариш, янгиланиш, покланиш байрами.
Азизлар, барчамиз шундай файзли кунларда она диёримизни, чор-атрофимизни, яшаётган ҳамда меҳнат қилаётган гўшаларимизнинг озодалиги ва ободлиги учун жон куйдирайлик.
Жаннатмакон юртимизнинг гулу гулзорларга бурканиши, янада чирой очишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.
Байрам муборак, азизлар!

## Акциядорлик-тижорат «PAXTA BANK»нинг Тошкент вилояти бошқармаси

баҳор ва табиатнинг мангу янгиланиш байрами

# Наврўзи олам



билан барчангизни муборакбод этади!

*Боғларнинг гуллаб-яшнаши билан қалбларда уйғонган шодлик ва яхши кайфият бутун йил давомида Сизга ҳамроҳ бўлиб, қуёшнинг сахий нурлари ҳар бир хонадонга соғлиқ-саломатлик ҳамда бахт олиб кирсин.*

## ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

жамоаси вилоят аҳолисини

# Наврўз айёми

билан самимий қутлайди.
Сизларга бахт-саодат, узоқ умр, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. «Сиҳат-саломатлик йили» барчамизга ҳақиқий тани соғликни, кўнгил хотиржамлигини бахшида этсин. Баҳорнинг илиқ нафаси қалбларингизга кўчсин. Байрам ва шодиёналар доимий ҳамроҳингиз бўлишига тилакдошмиз. Биз соғлиқни сақлаш ходимлари доимо Сизни дардлардан фориғ бўлишингизга, қувонч ва шодлик доимий ҳамроҳингизга айланишига ҳисса қўшишга тайёрмиз.




Қадрли юртдошлар!

«Вилоятматлуботсавдо»

акциядорлик компанияси жамоаси
Сиз азизларни баҳор айёми
Наврўзи олам билан чин юракдан
муборакбод этади!
Оилангизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,
ишларингизда омад ёр бўлсин.
Яшариш ва яшнатиш фасли бўлган
баҳор сизларга эзгуликлар
олиб келсин.

«ВИЛОЯТБОЗОРСАВДО»

бирлашмаси

барчангизни
янги кун –
Наврўз
билан қутлайди!
Сиз азизларга
бахт ва омад
ҳамиша ёр бўлсин.
Дастурхонингиз тўкин,
ишларингиз
барокотли бўлсин.



# Тошкент трактор заводи

жамоаси Ўзбекистон аҳлини

## Наврўзи айём



билан табриклайди.
Кунлар исиб, тупроқ илиб,
ердан ҳовур кўтарилаётган шу кунларда
деҳқонлар яхши ният ва
орзу-умид билан
кўкламги дала ишларига
енг шимардилар.
Биз, тракторсозлар
2005 йил қут-баракали
бўлиши учун деҳқонларимизга
камарбастамиз.
Хирмонингиз юксак,
юзингиз ёруғ бўлсин,
қадрли қишлоқ меҳнаткашлари!

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

**ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ ФИЛИАЛИ**

**қадрли юртдошларимизни
кўкламнинг кўркам айёми**

## Наврўзи олам

**билан самимий табриклайди!
Ватанимиз тинчлиги, равнақи,
юксалиши, гуллаб-яшнаши йўлида
камтарона меҳнатимиз билан муносиб
ҳисса қўшаётганимиздан,
ҳамиша эл хизматида
эканлигимиздан фахрланамиз.
Шукуҳли айём кайфияти ҳеч биримизни
йил давомида тарк этмасин.
«Тошкент-телеком»
хизматингизга доим тайёр!**

# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

*Тошкент филиали жамоаси
юртдошларимизни*

## Наврўз

*байрами билан табриклайди.
Вилоят почта хизматидан
фойдаланаётган барча мижозларимизга
шу жумладан 260 минг нафар
пенсионерларимизга
мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.*

***Ҳурматли ватандошлар!***

*Барча почта алоқа бўлимлари
коммунал хизматлар: газ, электр энергия,
телефон, сув ва бошқа хизматлар
ҳақларини тўлашингиз учун барча
зарур қулайликларни яратиб
бериш борасида ўз ёрдамини аямайди.*

***Байрамингиз муборак бўлсин!***

# “Тасвирий ойина”

## ижодий уюшмаси вилоят бўлими

вилоятимиз аҳлини

# НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан муборакбод этади!
Табиатнинг уйғониш ва ёшариш фаслида
кишилар қалбидаги орзу-умидлар
рўёбга чиқишини, ҳаётларида
бахт-саодат доимо ҳамроҳ бўлишини тилайди.

## Азиз ҳамюртлар!

Ён-атрофимиз янада гўзал бўлмоғи учун
ҳар биримиз ўз маҳалламиздан тортиб,
шаҳар ва туман, умуман она заминимизнинг
ҳуснига ҳусн бағишлашга ҳисса қўшмоғимиз лозим.
Келинг, юртимизни ҳақиқий обод
ва фаровон ўлкага айлантирайлик.

## Биздан жаннатмакон ватан қолсин.

Шундай экан агар сизда ҳам ўз маҳаллангиз ҳамда ташкилот ва муассасангизда замон талабларига мос ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш истаги бўлса, бу йўлда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими яқиндан кўмак беради.

Яъни, уюшмамиз буюртма асосида турли плакатлар ва ҳар хил соҳалар бўйича рекламалар, фотолавҳаларни тайёрлайди. Ишимизда сифат, жаҳон андозаси бирламчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари сизнинг хоҳишингизга мувофиқ тайёрланган кўргазмали ва бошқа тарғибот-реклама воситаларини жойида ўрнатиш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш, қурилиш-таъмирлаш каби пудрат ишларини амалга ошириш, уларни назорат қилиш «Тасвирий ойина» фаолиятининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, эшик ва биноолди пештахталари, шиор ва тасвирлар, ҳажмли ҳарфлар, йўл кўрсаткичлари, фермер ва ширкат хўжаликлари учун паннолар, шаҳар ва туманларга кириш арклари ва бошқа ноанъанавий қурилмалар бўйича ҳам барча мижозларга ўз хизматларини тавсия этади.

Сиз билан ҳамкорликда ишлашдан мамнунмиз.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиахим кўчаси, 36-уй.**
**Тел.: (998 71) 133-93-91, 133-93-92,**
**136-71-99, 136-34-99.**








# «ОҲАНГАРОНШИФЕР» ОАЖ

Ушбу қувончли баҳор кунларида
ўз ходимларини, Тошкент вилояти,
Ўзбекистон Республикасининг
барча аҳолисини

## Наврўз байрами

билан қутлайди!
Ҳаммага чин юракдан тинчлик
ва осойишталик, саломатлик ва
бахт-саодат, қувонч ва хурсандчилик,
ҳар бир оилага фаровонлик
ва эсон-омонлик,
мустақил мамлакатимиз
ва халқимизнинг фаровонлиги
йўлидаги яратувчан меҳнатингизда
янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

# «ЗАНГИОТА ШАРОБСАВДО»

шўъба корхонаси жамоаси



барча ватандошларимизни
баҳор байрами

## наврўз айёми

билан табриклайди!
Баҳор байрами қалбларимизга
қувонч бахш этиб,
энг эзгу тилакларимизнинг
рўёбга чиқишига хизмат қилсин.
Яшариш ва янгиланиш фасли
Наврўз юртимизга фаровонлик,
хонадонларимизга тинчлик-хотиржамлик,
қут-барака, соғлиқ-саломатлик
олиб келаверсин.

# ТАБИАТ ҚЎЙНИДА КУТГАНГА НЕ ЕТСИН

**Маҳалламиз тоғли ҳудудда жойлашган. 135 та хонадонда 814 киши истиқомат қилади.**

Бу ернинг одамлари тонгни иш билан кутиб олишади. Субҳидам ҳали из тушмаган сўқмоқлардан қўй-қўзилар подаси адир томон ўрлайди. 3-5 февраль кунлари қишлоғимизда қалин қор ёғди. Маҳалла аҳли ҳашарга бир тан, бир жон бўлиб чиқишди, ички йўл ва йўлкаларни тозалашди. Қор натижасида йиқилган симёғочларни янгидан чуқур кавлаб, мустаҳкамлашди ва узилган электр симлари қайта уланди.

Қишлоқ марказий йўлларини қордан тозалашда кончилар ёрдам беришди. Бир метрдан қалин қорни кураш учун кўмак сўраб, Ангрен кўмир кони раҳбариятига мурожаат қилинди. Шу куниёқ кон юзини очиш участкаси томонидан бульдозер ажратилди ва икки кун ичида Лашкеракдан шаҳар йўлигача бўлган масофа қордан тозаланди.

Бугун бутун мамлакатимиздаги каби маҳалламизда ҳам оммавий ҳашар. Каттаю кичик маҳалладошлар унда қатнашади. Чунончи, байрам шарафига кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширамиз. Майдонлар, ҳовлилар, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш билан шуғулланамиз. Бундан ташқари, «Обод кўча», «Энг обод хонадон» танловини ўтказмоқчимиз. Унинг ғолибларини мукофотлашни кўзда тутганмиз.

Баҳор байрамини маҳалламизда тантанали нишонлаймиз. Шу куни катта дастурхон ёзилади, табиат қўйнида ўйин-кулги бўлади. Яратувчилик меҳнати ҳам давом этади.

**Кумушой ШОРАҲМАТОВА,**
**Ангрендаги Лашкерак маҳалла қўмитаси раиси.**

# МЕҲР ВА ОҚИБАТ ОТАЛАРДАН МЕРОС

**Биз Наврўз айёмини маҳалламиз билан жамулжам бўлиб нишонлаймиз. Биргаликда ҳалим, сумалаклар пиширилади. Ёш-яланглар давраларида уруш иштирокчилари Мансур ота Мирзаев, Исмоғил ота Каримовлар олис-яқин йиллардаги ҳаёт, аждодларимизнинг унутилмас анъаналари, қадриятлари ҳақида гапириб беришади.**

Одатда бундай учрашув-суҳбатларда бир олам ибратли воқеалар эсланиб, маҳалламиздан ўтган бува-бувилар, уларнинг эл-юрт равнақи йўлидаги меҳнатлари ёдга олинади. Бундай ҳикоялар йигит-қизларни ҳеч қачон лоқайд қолдирмайди, ёшлар аждодларнинг унутилмас ишларига муносиб бўлиб вояга етиш, оилага, ота-онага, маҳалла-кўй, эл-юртга хизмат қилишга аҳду паймон қиладилар.

Шу Наврўз кунлари маҳалламиз хонадонларида меҳр-оқибат яққол кўзга ташланмоқда. Кўчалар саранжом-сариштта, йўл бўйларида гулсафсарлар кўкариб, атиргуллар барг чиқаряпти.

Мустақиллик ҳаётимизга ана шундай тиниқлик, осойишталик, меҳнат руҳини олиб келди. Бунинг учун шукроналар айтиб, осойишта ҳаётимизни, тинч меҳнатимизни ардоқлашни кўнгилларга тугиб, бутун маҳалла Наврўзи оламни бирга нишонлаяпмиз.

**Муродхон ФАЙЗИЕВ,**
**Зангиота туманидаги «Маданият» маҳалласи оқсоқоли.**

*Саховат*

# ТЎЙБОЛАЛАР ТОЙ МИНДИЛАР

**Наврўзнинг фазилатлари кўп. У азалдан меҳр-мурувват, хайру саховат айёми ҳам ҳисобланган. Байрам баҳона жойларда беминнат ҳамда эзгу мақсадларни кўзловчи мурувват тадбирларининг кўплаб ташкил этилиши яхши анъанага айланган.**

Хусусан, Пскент тумани ҳокимлиги ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги кам таъминланган оилаларнинг 18 нафар фарзандлари учун ҳатна тўйлари ўтказилди. Хайрли тадбирга тумандаги қатор ширкат хўжаликлари ҳамда корхона ва ташкилотлар бош қўшиб, ҳомийлик қилдилар. Тўйболаларга бош-оёқ кийим-кечаклар, қимматбаҳо совғалар тортиқ этилди.

Туман фаоллари ва тўй эгалари йиғилган тўкин дастурхон атрофида тўйболаларни тойга миндириш ҳамда қутлаш маросими бўлди.

Тўйни қутлаш учун пойтахтдан ташриф буюрган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов ҳамда таниқли эстрада хонандалари Ёдгор Мирзажонов ва Гулсанам Мамазоитова бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи базм кечасига файз киритдилар.

*СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



# ЭСДА ҚОЛГАН ЎН БЕШ КУН

**— Ўзимизни жуда енгил ва тетик ҳис этаяпмиз. Биз дам олиб қайтган маскан машҳур дам олиш уйларидан қолишмайди.**

Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалигида яшовчи Наргиза Ўринбоева ва Зулфия Қундузова бу сўзларни ҳаяжон билан айтишди. Маълум бўлишича, улар яқинда Ангрен шаҳридаги «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли профилакторийда 15 кун ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлашибди. Ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсумида корхона ишчилари шу ширкат хўжалигига ҳашарга келишган эди. Мана энди бўкаликлар учун корхона профилакторийсига 57 та йўлланма ажратилди. Дам олувчилардан яна бири Камол ота Бекназаров шундай дейди:

— Йўлланма нархи 123 минг сўм бўлгани ҳолда биз фақат 25 минг сўм тўладик, яна шунча — ширкат хўжалигимиз тўлади, қолгани эса, корхона ҳисобидан. Бу оромгоҳда ҳамма шароитлар муҳайё.

Баъзи корхоналар иқтисодий қийинчилик туфайли ўз тасарруфидаги маиший объектлар фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйгани сир эмас. Лекин «Саноатқалинқоғозсавдо»нинг профилакторийси, аксинча, янада чирой очиб, ривожланиб бораяпти. Бу ердаги саранжом-саришталикдан кўз қувнайди. Кунига тўрт маҳал мазали таомлар ҳамда бош шифокор Давлат Раҳмонов, малакали шифокор ва ҳамширалар томонидан бажариладиган тиббий муолажалар, айниқса, ходимларнинг меҳрибонлигию хушмуомалалигидан барча мамнун. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган физиотерапия хонаси, ванналар ва сауна дам олувчилар хизматида.

**Машкура ЗОҲИДОВА.**

**Наврўз байрами Паркентнинг «Қўшшукур» маҳалласи аҳли учун эсда қоларли бўлди. Бу ҳудудда тоза ичимлик суви муаммоси анчадан буён ҳал бўлмаётган эди. Маҳалла фуқаролари ҳамда туман «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси саъй-ҳаракати билан 1150 метр узунликдаги сув тармоғи қуриб битказилди.**

# БАЙРАМОЛДИ ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

Шунингдек, байрам арафасида туманда катта хайрия тадбири ўтказилди. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тумандаги ёрдамга муҳтож оилаларга қарийб 1 миллион сўмлик кийим-кечак совға қилди. Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳам бу савоб ишдан четда тургани йўқ. Ўз навбатида республика «Ногиронлар» жамияти 1 миллион 300 минг сўмлик дори-дармонлар учун маблағ ажратиб берди. Америка элчихонаси орқали «Контрпарт Интернешнл» компанияси паркентлик ногиронларга 10 дона аравача тақдим этди.

Ҳайрия тадбирида республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б. Убайдуллаев, «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Р. Ризаев ва бошқалар сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларини байрам билан муборакбод этдилар. Ижро этилган куй-қўшиқлар ва жозибали рақслар даврага файз киритди.

**Тўйчи ДЎСМАТОВ.**

# БАЙТҚЎРҒОНГА БИР КЕЛИНГ

**Шу кунларда бизнинг Байтқўрғон томонларга бир ўтинг-а! Қишлоғимиз шундоққина Тошкент-Чирчиқ йўлининг устида жойлашган. Унга кираверишда дастлаб боғ ва токзорларда кўкламги юмушлар билан банд боғбонларга кўзингиз тушади.**

Қишлоғимиз одамлари ҳам шу кенг боғлар сингари очиқкўнгил, саховатли. Истаган хонадонингиз эшигини қоқинг. Дастурхонларда баҳорий пишириқлар, мева-мурабболару шинниллар мўл. Ахир, Наврўзни буларсиз тасаввур этиб бўладими?!

Байтқўрғон қадимдан назм-наво ихлосмандлари туб қўйиб, палак ёйган қишлоқ сифатида танилган. Бугун ҳам бу фазилат барҳаёт. Мактабларимизда, қишлоқнинг муҳташам маданият ва маърифат масканларида ҳаваскорлик дасталари Наврўз байрамига атаб янги куй-қўшиқлар тайёрлашган. Наврўзи олам давраларга шоирларимизнинг назмий сатрлари, хонандаларимизнинг мумтоз қўшиқлари, машшоқларимизнинг нозли-нозли куйлари, шўх-шўх рақслар қанотида кириб боради.

Қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан Байтқўрғон баҳор байрамига алоҳида тайёргарлик кўрди. Ораста кўчалар, ям-яшил гулзорлар, батартиб унумдор боғлар, буғдой майсалари кунда бир бўй чўзаётган ғаллазорлар Байтқўрғоннинг чиройини янада очган.

Қишлоғимиз одамлари ҳақида алоҳида гапириш жоиз. Ҳаммалари меҳнаткаш, тадбирли, режали. Рўзғорни маъмур қилиш, фарзандларни тарбиялаш, улар замонавий касб-корларни эгаллашларига интилиб яшашади. Саховатли, хайр-эҳсонли кишиларимиз ҳамиша толиққанга кўмаклашишади, қоқилганни — суяшади.

Шундай қишлоқда, шундай ҳамқишлоқлар даврасида яшаш — олий бахт. Бугунги Байтқўрғон — иқболи баланд, истиқболи буюк мустақил Ўзбекистонимиз тимсоли. Байтқўрғонликлар билан гурунг қилгани бир келинг. Шу Наврўз айёмида қишлоғимиз айниқса, файзли, обод, ораста. Кўрсангиз кўнглингиз кўтарилади, дилингизда ҳавас уйғонади.

**Дилором САЛИМОВА,**
**Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи.**

● *Айём арафасида*

# СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВ

**Инсон қай муҳитда, қай шароитда ҳаёт кечирмасин, кўнгли маънавий озуқага, сўз сеҳрига, куй-қўшиқ мўъжизасига ташна бўлади. Бу борада жойларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, нафис адабий-бадиий кечаларнинг аҳамияти беқиёс. Бироқ донишмандлардан бири «Қалбда акс-садо бермайдиган қуруқ сўзлар, даъватлар, ҳиссиз маърузалар, ўринсиз панд-насиҳатлардан фойда йўқ» деган экан. Чунки, инсон кўнглига таъсир этиш, унинг диққат-эътиборини қозониш, меҳрига сазовор бўлиш, энг муҳими, ташкил этилаётган маънавий-маърифий кечалардан кўзланган мақсадга эришиш осон эмас. Бунинг учун ўтаётган тадбирларда юксак файзу тароват, чинакам самимият руҳи уфуриб туриши керак.**




Республика «Маънавият ва маърифат маркази», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамиятининг маданият саройида ташкил этган адабий-бадиий, маънавий кеча барчанинг қалбида акс-садо берадиган серфайз тадбирлардан бўлди. Шукуҳли байрам арафасида саройга тўпланган улкан салоҳиятли комбинат ишчи-хизматчилари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда талабалар шу куни соғиниб кутилган учрашувларнинг, самимий мулоқотларнинг бевосита иштирокчисига айланишди.

«Наврўз — истиқлол ва эзгулик тимсоли» мавзуидаги тадбир мобайнида Бекобод аҳли ҳамиша юксак руҳдаги адабий-бадиий кечаларга чинакам мухлис эканлиги таъкидланди. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» вилоят бўлими раҳбари Суяр Қурбонқулов ўз сўзида бундай тадбирлар кўлами бу йил янада кенгайишини айтди.

Учрашувнинг бадиий қисми барчанинг диққат марказида бўлди. Мухлислар билан жонли мулоқотга киришган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева, вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси, таниқли шоир Маҳмуд Тоиров ўз ижодий фаолиятлари, режалари ҳақида батафсил тўхталдилар, Бекобод ҳамда бекободликларнинг меҳнати ва шуҳратини самимий эътироф этдилар.

— Бекобод менинг йигитлик умрим ўтган қадрдон маскандир, — деди жумладан халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — Мен бу ерда ўтган кунларимни, Бекободнинг танти, мард, ҳалол ва пок одамларини бир неча асарларимга бош қаҳрамон этиб белгилаганман. Қолаверса, бу қадим қўрғон Амир Темур, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг муборак қадами етган табаррук гўшадир.

Халқимизнинг ардоқли шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Маҳмуд Тоиров ҳамда бекободлик истеъдодли шоир Ашурали Боймуродов эл-юртни, аёлни, оилани, ўлмас инсоний фазилатларни тараннум этувчи шеърларидан намуналар ўқишди. «Ёшлар» радиоканалининг сухандони Ваҳобиддин Зиё ўз чиқишлари билан кечага янада файз киритди.

Шу куни пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар Бекобод шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, шаҳарда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, қурилаётган байрам тадориги билан яқиндан танишдилар. Айниқса, мамлакатимиз металлургия саноатининг етакчи корхонаси ҳисобланган «Ўзметкомбинат» жамиятининг қурилиш тарихидан тортиб, бугунги фаолиятигача акс эттирган, ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган мўъжаз музей барчада катта таассурот қолдирди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



# МУХЛИСЛАРИМИЗ СЕРОБ

**«FM» тўлқинларида фаолият олиб бораётган радиоларда қандай ўйинлар ва дастурлар бор?» деган саволга мухлислар аксарият ҳолларда Музаффар Мирзабековнинг «Ҳа-йўқ» ўйини ва Севинчнинг «Мени кечир» дастурини мисол қилиб келтиришади. Бундай ўйин ва тингловчибоп эшиттиришларни эфирга узатаётган «Наврўз» радиоси эндиликда ўзининг минглаб тингловчиларига эга.**

— «Наврўз» радиосида биринчи жонли эфир тингловчиларга ҳавола этилганига икки йилдан ошди, — дейди бош муҳаррир Аброр Имомхўжаев. — Биз шу вақт ичида озми-кўпми ўз тингловчиларимизни топа олдик. Эшиттириш ва дастурларимизни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тингловчиларга мўлжаллаб тайёрлаймиз. Шунинг учун уни «Халқ радиоси» дейишади. Муҳарририятга келаётган хатлардан ҳам буни билиш қийин эмас. Эшиттиришлар эфир вақтимизнинг 80 фоизида ўзбек, 20 фоизида рус тилида олиб борилади.

«Наврўз» радиосининг FM тўлқинларидаги бошқа каналлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, унда 24 соат давомида жонли эшиттириш олиб борилади ва тингловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлиб турилади.

Албатта, куну тун жонли эфирда бўлишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бунинг биргина йўли турли ўйинлар, мантиқий эшиттиришларни кўпайтириб, жонли олиб боришдир. Ҳозир 20 дан ортиқ ўйин ва эшиттиришлар эфирга узатилмоқда. Улардан «Ҳа-йўқ», «Боғдан-тоғдан», «Ўчоқ боши», «Билағон» ўйинлари, «Мени кечир», «Ҳукм», «Тумор», «Ҳикматли дунё» каби эшиттиришлар тингловчиларга мунтазам ҳавола этилмоқда.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири**
**Камолиддин АСҚАРОВ**
**суҳбатлашди.**

***СУРАТДА:*** *радио ижодкорлари.*

● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport*



# БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

**Осиё чемпионлари лигасида иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» ўз майдонида Ироқнинг «Ал-Завра» жамоасини қабул қилди.**

Биринчи учрашувда мамлакатимиз чемпиони сафарда Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб қайтган эди. «Ал-Завра» эса Саудия Арабистони жамоаси «Ал-Аҳли» жамоасини Дамашқда қабул қилиб, 1:2 ҳисобида мағлуб бўлган эди. Мамлакатимиз футбол мухлислари «Пахтакор» жамоасининг йирик ҳисобда зафар қучишини кутган эдилар. Лекин уларнинг ишончи оқланмади. 7-дақиқада Али Жаббор ҳимоячилар хатосидан фойдаланиб, ҳисобни очишга эришди.

Учрашувнинг 53-дақиқасида меҳмонлар Александр Гейнрихга нисбатан қўполлик қилганликлари учун ҳакам томонидан 11 метрли жарима тўпи билан жазоландилар. Сервер Жепаров ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, пахтакорчилар ўйинни 1:2 ҳисобида бой бериб, уч очкодан маҳрум бўлдилар.

«Пахтакор» учинчи тур учрашувини Саудия Арабистонида «Ал-Аҳли» майдонида ўтказади.

«С» гуруҳида иштирок этаётган «Нефтчи» Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлди. Майдон эгалари 3:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритдилар. «Нефтчи» 6 апрелда ўз майдонида қатарлик футболчиларни қабул қилади.

## БУГУН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

**Футбол бўйича мамлакат 14-миллий чемпионатида бугун 14 та жамоа мусобақаларни бошлайди.**

Вилоятимизнинг олий табақадаги ягона вакили — Бекободнинг «Металлург» жамоаси чоршанба куни «Нефтчи» билан беллашади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

# ЎЙИНГОҲДА ТАНТАНА

**Вилоятимизда Наврўзи айём муносабати билан турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Келес шаҳридаги Зоирхон Жалилов номли ўйингоҳда ўтказилди.**

Халқ таълими бўлимига қарашли барча мактабларнинг ўқувчи қизлари ўртасида ташкил этилган спартакиадада 200 нафар иштирокчи қисқа масофага югуриш, шашка, граната ирғитиш бўйича беллашишди. Ғолибларга туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимларининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ОЛМАЛИҚДА БЕЛЛАШДИЛАР

**Спортнинг қўл тўпи тури бўйича аёллар жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур учрашувлари Олмалиқ шаҳрида ўтказилди.**

Олтита жамоа иштирокидаги мусобақа якунида Тошкентнинг «Алгоритм» жамоаси 10 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Вилоятимиз вакили бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинати спортчилари 8 очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин Тошкентнинг ЎзМУ вакилларига насиб этди.



22 мартгача давом этувчи иккинчи тур ўйинлари Самарқандда бўлиб ўтади.

**Хосият МЎМИНОВА.**

# СПАРТАКИАДА ДАВОМ ЭТАДИ

**Вилоятимиз туман ва шаҳарларида аёллар спортини оммалаштириш мақсадида ташкил этилаётган хотин-қизлар спартакиадасининг навбатдагиси Паркент туманида бўлиб ўтди.**



Қишлоқ ва маҳаллалардан келган вакиллар спортнинг етти тури бўйича баҳс олиб бордилар. Умумжамоа ҳисобида Қўличи маҳалласининг спортчи аёллар гуруҳи ғолибликни қўлга киритди.

Шундай беллашувлар Ғазалкент спорт мажмуида ҳам ташкил этилди. Унда туман ҳудудларидан келган қарийб 500 нафарга яқин хотин-қизлар спортнинг оммавий йўналишларида ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шерали ҒАЙРАТОВ.**

